



## Инсон Капиталини Ривожлантиришнинг Таълим Билан Боғлиқ Жихатлари

**Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, и.ф.д.

**Севара Абдуназаровна Бабаназарова**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доцент в.б. PhD.

**Аннотация:** мақолада инсон капиталини ривожлантиришнинг таълим билан боғлиқ жихатларга оид масалалар қараб чиқилган. Ушбу ишда асосий эътибор ривожланган давлатларнинг айрим макроиктисодий кўрсаткичлари ва уларнинг инсон капитали билан боғлиқ ихатларига ҳам эътибор қаралган. Инсон капитали индекси ва унинг даражаси, дунё мамлакатлари орасида Ўзбекистоннинг ўрнига ҳам ишда қисқагина тўхталган.

**Калит сўзлар:** инсон, инсон капитали, инсон салоҳияти, таълим, таълим сифати, инсон капитали индекси, таълим тизими, соғлиқни сақлаш, интеллектуал салоҳият.

## Образовательные Аспекты Развития Человеческого Капитала

**Мамаюнус Каршибаевич Пардаев**

Профессор Самаркандского института экономики и сервиса д.э.н.

**Севара Абдиназаровна Бабаназарова.**

Самаркандский институт экономики и сервиса и.о. доцент., PhD.

**Аннотация:** в статье рассматриваются вопросы, связанные с образовательными аспектами развития человеческого капитала. Эта работа сосредоточена на некоторых макроэкономических показателях развитых стран и проблемах их человеческого капитала. По индексу человеческого капитала и его уровня среди стран мира место Узбекистана ненадолго остановилось.

**Ключевые слова:** человек, человеческий капитал, человеческий потенциал, образование, качество образования, индекс человеческого капитала, система образования, здравоохранение, интеллектуальный потенциал.

## Educational Aspects Of Human Capital Development

**Mamayunus Karshibaevich Pardaev**

Professor of the Samarkand Institute of Economics and Service, Doctor of Economics

**Sevara Abdinazarovna Babanazarova.**

Samarkand Institute of Economics and Service, Acting Associate Professor, PhD.

**Abstract:** the article examines issues related to educational aspects of human capital development. This work focuses on some macroeconomic indicators of developed countries and the problems of their human capital. According to the human capital index and its level among the countries of the world, Uzbekistan's place has stopped for a while.

**Keywords:** person, human capital, human potential, education, quality of education, human capital index, education system, health care, intellectual potential.

**Мавзунинг долзарблиги.** Мамлакатимизда иқтисодий ўсишга, унинг рақобатбардошлигини таъминлашга катта аҳамият берилмоқда. Бунинг учун инвестиция янги



заводлар куришга, биноларни барпо этишга, замонавий йўлларни куришга, талаб даражасига жавоб берадиган инфратузилмаларни яратишга сарфланади. Бизнинг мамлакатмиз учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган соҳа инсон капиталига, яъни таълим, соғлиқни сақлаш каби инсон камолоти билан боғлиқ соҳаларга ҳам катта эътибор беришни тақозо қилади. Чунки ривожланган мамлакатлар инновацион технологияларни ўзлари ишлаб чиқариб, уни экспорт қилади. Бироқ бизнинг ривожланишимизда инновацион технологиялар асосан хориждан келтирилмоқда. Буларни ўзимиз яратишимиз учун таълим тизимига (мактабгача таълимдан, олий таълимгача ва олий таълимдан кейинги таълим тизимига) катта аҳамият беришга, аҳоли саломатлигига, турмуш тарзининг яхшиланишига, тарбиянинг такомиллашувига янада кўпроқ инвестицияларни киритишга тўғри келади.

Мазкур масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги, «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида»ги ПФ-158-сонли фармони қабул қилинди. Ушбу ҳужжатнинг биринчи гуруҳдаги мақсадлари бевосита “Ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароитларни яратиш”га бағишланган. Ушбу мақсадларнинг 12 таси таълимга, 9 таси аҳоли саломатлигини таъминлашга қаратилган. Ушбу вазифалар бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бундаги вазифалар нафақат назарий, балки амалий жиҳатларни ҳам қамраб олган. Шу жиҳатдан мазкур мавзу ўта долзарб масаланинг нафақат амалий, балки назарий ечимига бағишланганлигидан далолат беради.

**Таҳлил ва натижалар:** Мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий аҳволи ўша худудда истиқомат қилаётган аҳолининг интеллектуал даражасига боғлиқ бўлади. Дунёда ҳар хил даражадаги давлатлар бўлиб, уларда яшаётган аҳолининг ҳам интеллектуал салоҳияти ҳам ҳар хил. Дунё бўйича 2023 йилда ЯИМ ҳажми 105,435,540 млн. АҚШ доллари бўлиб<sup>1</sup>, бу кўрсаткич ривожланган давлатларда юқори, аксинча қалоқ давлатлар эса жудаям паст. Жаҳонда нуфузли халқаро ташкилотлар дунё аҳолисининг турмуш даражасини ошириш ва камбағалликни қисқартириш бўйича кўплаб ишлар олиб бормоқда. Ва бунда инсон капиталининг ўрни ва аҳамияти муҳимдир.

Ўзбекистонда инсон капиталига катта эътибор берилди бошлади. Инсон капитали кадрларнинг билими, таржибаси ва малакасининг иқтисодий қийматини билдириб, таълим, кўникма, соғлиқ ва иш берувчилар учун зарур бўлган содиқлик, аниқлик каби активларни ҳам ўз ичига олади.

Мутахассисларнинг барчаси етарли билимга эга бўлмаганлиги сабабли, иш берувчилар ўз ходимларини ўқитиш, таълим олиш ва имтиёзларга сармоя киритиш орқали инсон капиталини ривожлантириш мумкин. Бу иқтисодий ўсиш, самарадорлик ва рентабеллик билан боғлиқ ҳисобланади. Инсон капитали ва иқтисодий ўсиш ўртасида боғлиқлик мавжуд бўлиб, мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий аҳволига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди.

Инсонлар турли кўникма ва билимга эга. Буни уларни ўқитишга қанча сармоя киритилиши билан ўлчаш мумкин. Бу 3-ёшдан 25 ёшгача бўлган ёшларга қанча харажат қилиш билан аниқланади. Масалан АҚШда 3 ёшдан 22 ёшгача бўлган даврда ёшларга ўртача 260 минг доллар маблағ сарфланар экан. Ва улар 60-70 ёшгача давлатга 3,1 млн доллар (солиқ ва бошқа тўловлар) қайтарар экан. Жанубий Кореяда эса ўртача 130 минг доллар 2,6 млн доллар қайтарар экан, яъни сарф қилинган маблағлар давлатга 12-20 барабар бўлиб қайтапти. Ўзбекистонда бу маблағнинг бор йўғи 4 барабари қайтар экан<sup>2</sup>.

Баъзи давлат буни тан олади ва таълим учун кўп харажат қилади. Бу харажатлар йиллар давомида қайтади, лекин табиий ресурслар тежалади, иқлим яхшиланади, давлат ривожланади. Буни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин (1-жадвал).

**1-жадвал.**

<sup>1</sup> <https://data.worldbank.org/indicator/NY.GDP.MKTP.CD?locale=ru&locations>

<sup>2</sup> <http://hr.agro.uz/login/index.php>



**Ривожланган давлатларнинг айрим макроиктисодий кўрсаткичлари 2020 йилдаги ҳолати<sup>3</sup>**

т/р	Давлатлар	ЯИМ (млрд АҚШ долл)	ЯИМнинг аҳоли жон бошига тўғри келиши, АҚШ долл	Таълим учун давлат харажати (млрд АҚШ долл)	Ҳар 1млн кишига тўғри келадиган ИТ (кишида)
1	АҚШ	21323,0	63529	927	4 451,8
2	Хитой	14687,74	10409	831,3	1 601,9
3	Япония	5048,79	39987	279	5 495,3
4	Германия	3889,669	46773	219.9*	5 413,8
5	Корея	1493,076	31721	105	8 614,6

\*еврода

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, дунёдаги иқтисодиёти кучли давлатларида таълимга давлат томонидан кўп маблағ ажратилган. Шу билан бирга олий маълумотли мутахассислар кўпроқ маошга эга бўладилар.

Инсон капитали мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига имкон беради. Бу фан, таълим, бошқарув соҳаларида инсон капитали ортиб бориши, инновациялар, ижтимоий муҳитнинг яхшиланиши, самарадорликнинг ортишига олиб келади, натижада эса иқтисодий ўсиш жадаллашади. Иқтисодий ўсишнинг жадаллашиши, аҳоли турмуш даражасини сифатини оширади.<sup>4</sup>

Давлат инсон капиталининг ҳажмини ошириши учун сифатли ва қулай таълим таъминлаши зарур. Таълим хизматлари сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий аҳволни яхшилаш учун, инсон салоҳияти ва инсон капиталини шакллантирувчи ҳамда, такрор ишлаб чиқарувчи асосий соҳадир. Таълим тизимининг ҳозирги ҳолати инсон капиталини ривожлантириш ва амалга ошириш имкониятларини белгилайди. Бу хизмат натижаси маълум йиллар давомида юзага чиқади. Масалан АҚШда 2023 йилда ЯИМ 2020 йилга нисбатан 27357,83 млрд АҚШ долларларида бўлиб, 1,3 бараварга ошган. ЯИМнинг аҳоли жон бошига тўғри келиши ҳам мос равишда 63529 \$дан 81632,25 \$га, яъни 1,3 баравар ошган<sup>5</sup>.

Изланишлар олиб бориш, зарур бўлган маълумотларни топиш, ўзини ўзи ривожлантириш учун кўп вақт керак бўлади. Бунда талаба ва изланувчи-тадқиқотчиларга профессор-ўқитувчилар пойдевор қўядилар. Ижтимоий тармоқларда, интернетда керакли маълумотларни излаш жараёнида бир-бирига қарама-қарши бўлган маълумотларга ҳам дуч келасиз. Бу маълумотлардан керакли ва ишончлисини танлашда илмий раҳбар ва устозларнинг кўмаги керак бўлади. Шунинг учун инсон капиталини ривожлантиришда таълим тизимини кучли ва билимли профессор-ўқитувчи ва тажрибали педагоглар билан бойитиш лозим.

Олий таълим юқори малакали кадрларни тайёрлашга, махсус компетенцияларни ўзлаштиришга, муваффақиятли ижодий фаол ва ўзини-ўзи бошқара оладиган, маъсулиятли мутахассисларни тайёрлайдиган муассаса ҳисобланади. Бундан ташқари, бу таълим муассасалар ғоялар генератори, академик тадқиқотлар, халқаро ҳамкорлик, фан ва касбий мулоқот марказлари вазифасини ҳам бажариши лозим. Бизга маълумки, ривожланган давлат университетларида камида 20 мингдан зиёд талабалар таҳсил олади ва бу кўрсаткич йиллар давомида ортиб борган, ҳамда, бу даврда бошқарув тизими шаклланган. Ривожланган давлатлар таълим тизимини ўзлаштиришда, барчасини тўлиқ олиш эмас, балки энг оптимал

<sup>3</sup> [https://data.uis.unesco.org/Index.aspx?DataSetCode=SCN\\_DS&lang=en#](https://data.uis.unesco.org/Index.aspx?DataSetCode=SCN_DS&lang=en#)

<sup>4</sup>

<https://www.investopedia.com/terms/h/humancapital.asp#:~:text=Human%20capital%20allows%20an%20economy,which%20contribute%20to%20economic%20growth.>

<sup>5</sup> [https://data.uis.unesco.org/Index.aspx?DataSetCode=SCN\\_DS&lang=en#](https://data.uis.unesco.org/Index.aspx?DataSetCode=SCN_DS&lang=en#)



тажрибаларини олиш зарур. Миллий кадриятлар ҳам инсон капиталини ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади.

Таълим тизимини ривожланиши ва самарали фаолият кўрсатишида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш зарур бўлади ва бу давомий бўлиши лозим. Бундан ташқари илмий-тадқиқотлар, илмий изланишларни такомиллаштириш, молиялаштириш, қўллаб-қувватлаш, интеллектуал мулкларни тижоратлаштириш ҳам таълим тизимининг сифатини оширишга асос бўлади.

Мамлакатимизда ҳам олий таълим тизими хизматлари сифатини ошириш бўйича кўпгина ишлар олиб борилмоқда. Буни кейинги йилларда олий таълим муассасалари сонининг ортиб боришидан ҳам кўриш мумкин. Ушбу ҳолат қуйидаги жадвалда ўз ифодасини топган (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистонда охириги 5 йил давомида олий таълим муассасалари сонининг ўзгариш динамикаси<sup>6</sup>

Т/р	Ўқув йиллари	Олий таълим ташкилотлари сони, бирликда	Ўтган йилга нисбатан, %	Асос йилига нисбатан, %
	2019/2020	119	121,4	100,0
	2020/2021	127	106,7	106,7
	2021/2022	154	121,3	129,4
	2022/2023	191	124,0	160,5
	2023/2024	219	114,7	184,0

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакатимизда охириги беш йилда олий таълим ташкилотларида ўсиш рўй берган. Жумладан, 2019/2020 ўқув йилида жами 119 та олий таълим ташкилотлари бўлган бўлса, 2023/2024 ўқув йилига келиб уларнинг сони 219 тага етган. Кўриниб турибдики, шу даврда уларнинг сони қарийб 2 баробарга, яъни 184,0 %га ошган. Бу жараён давом этмоқда. Шу даврда талабалар сони ҳам кескин ошган.

Мамлакатимизда олий ўқув юрларининг сонидаги ўзгаришларни қуйидаги расмдан ҳам кўриш мумкин (1-расм).



1-расм. Ўзбекистонда охириги 5 йил давомида олий таълим муассасалари сонининг ўзгаришининг графиги<sup>7</sup>

<sup>6</sup> <https://stat.uz/uz/default/press-relizlar/34336-2023-3>

<sup>7</sup> <https://stat.uz/uz/default/press-relizlar/34336-2023-3>



Мамлакатимизда олий таълим муассасалари сонининг ортиши билан биргаликда уларда таълим олаётган талабалар сони ва фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар сони ҳам ортиб бормоқда. Жумладан, 2019/2020 ўқув йилларида 441,0 минг талаба тахсил олган бўлса, 2023/2024 ўқув йилларида уларнинг сони 1314,5 минг нафарга етди. Шу даврда ўсиш суръати 298,1 %ни ( $1314,5 \cdot 100 / 441,0$ ), қарий 3 баробарни ташкил қилади. Уларда таълим бераётган профессор-ўқитувчилар сони ҳам ошган. 2019/2020 ўқув йилларида мазкур соҳада 30,6 минг нафар профессор-ўқитувчилар фаолият кўрсатган бўлса, 2023/2024 ўқув йилига келиб, уларнинг сони 45,2 минг нафарга ёки 147,7 %га ( $45,2 \cdot 100 / 30,6$ ) ошган. Шу билан бирга уларнинг илмий даражага эга бўлганлари сони ҳам 74,7%га ошган. Олий таълимдан кейинги таълимда 5747 нафар докторантлар тахсил олмоқда.

Мамлакатимизда таълим соҳасига ажратилаётган маблағлар ҳам ортиб бормоқда. Масалан, 2021 йилда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига давлат бюджетидан 2,9 триллион сўм, Халқ таълими вазирлигига эса 22,1 трлн ажратилган бўлса, 2022 йилда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига 4,1 трлн сўм, Халқ таълими вазирлигига эса 25,8 трлн. сўм маблағ ажратилган<sup>8</sup>. Бундан хулоса қилиш мумкинки, мамлакатимизда инсон капиталини ривожлантириш бўйича салмоқли ишлар олиб борилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда таълим билан қамраб олиш кўрсаткичлари сезиларли равишда ошиб борсада, ёш болаларга тўйиб овқатланиш масаласига эътибор жуда суғ. Буни инобатга олиб, болаларни ёшига қараб овқатлантириш рационларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий қилиш лозим. Бунинг учун мамлакатимизда имконият етарли бўлиб қолган. Шунини инобатга олиш лозимки, “дунё миқёсида беш ёшгача бўлган болаларнинг қарийб тўртдан бири тўйиб овқатланмайди, 260 миллиондан зиёд бола ва ёш мактабда ўқимайди, ривожланаётган мамлакатларда мактаб ёшидаги кичик болаларнинг 60 фоизида ҳамон минимал таълим олиш имконияти мавжуд эмас”<sup>9</sup>.

Ҳозирги пайтда дунё миқёсида **инсон капиталининг даражаси** аниқланмоқда. Буни аниқлаш учун **инсон капитали индекси (НСІ)** фойдаланилади. Ушбу кўрсаткич инсоннинг яратувчанлиги, меҳнат унумдорлигининг даражаси билан ўлчанади. Бу ўз ичига, юқорида таъкидланганидек, инсоннинг билим даражаси, яратувчанлик қобилияти билан бирга саломатлигини ҳам қамраб олади. Инсонларнинг натижадорлиги бевосита унинг саломатлигига боғлиқ. Соғлом кишида ўз фаолиятини самарали олиб бориш учун билим ва тажриба етарли бўлса, бу самарали инсон капитали ҳисобланади. Бугунги кунда инсон капитали такомиллаштириш учун таълим ва соғлиқни сақлашга бежиз катта инвестиция киритилаётган эмас. Бу инвестициянинг самарадорлиги келажакда аниқ бўлади.

Ҳозирги пайтда инсон капитали индекси бўйича дунёда 157 та давлат рейтинги аниқланади. Булар таркибида етакчи ўринларни эгаллаган 5 та давлатлар қаторига Сингапур, Жанубий Корея, Япония, Ҳонконг ва Финляндия киради. МДҲ давлатлари ичида юқори кўрсаткич Беларуссия республикасида 70 %ни ташкил қилади. Ундан кейинги ўринларда Россия Федерациясида НСІ даражаси 68 %ни ташкил қилади. Қозоғистонда 63 %га тенг бўлса Ўзбекистонда 62 %ни ташкил қилади. Рейтинг аниқланадиган давлатлар рўйхатига Тожикистон ва Қирғизистонлар ҳам киритилган. Бу деган “Ўзбекистонда туғилган бола ўзининг маҳсулдорлик салоҳиятини ўртача 62 фоиз қўллай олади деб баҳо берилмоқда”<sup>10</sup>.

Бизнинг фикримизча инсон капитали индексини аниқлашда яна би ёндошув бўлмоғи лозим. Бу кўрсаткич барча меҳнатга қобилиятли ёшдаги инсонларнинг қанчаси олий маълумотли, тажрибали мутахассис ва саломатлик даражасини қандайлиги билан улчанса,

<sup>8</sup> [https://imrs.uz/publications/articles-and-abstracts/education\\_prospects](https://imrs.uz/publications/articles-and-abstracts/education_prospects)

<sup>9</sup> <https://daryo.uz/k/2018/07/12/inson-kapitalini-rivojlantirishdagi-uzilishlar/>

<sup>10</sup> Улуғбек Ташкенбаев, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи.

<https://kun.uz/news/2020/10/18/ozbekistonda-shaxs-oz-salohiyatining-necha-foizidan-foydalana-olishi-hisoblab-chiqildi>





янада ҳақиқатга яқинроқ бўлар эди. Масалан, 10,0 мингта меҳнатга қобилиятли аҳоли бўлса, улардан 6,0 мингтаси олий маълумотли. Аммо улар таркибида тажрибалиси 5,0 мингта бўлса ва уларнинг соғломлари 4,8 мингта бўлса инсон капитали индекси 48,0 % га ( $4,8 \cdot 100 / 10,0$ ) тенг бўлади<sup>11</sup>.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизнинг дунё мамлакатлари ўртасида ўз ўрнини топиши, рақобатбардошлигини таъминлаши учун инсон капиталининг шаклланиши ва унинг тқомиллашуви муҳим аҳамиятга эга. Шу туфайли ишда келтирилган тавсияларнинг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги, «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида»ги ПФ-158-сонли фармонида кўзда тутилган вазифаларнинг бажарилишига хизмат қилади.

Мақолада бир қанча илмий-аҳамиятга молик тавсиялар ҳам ишлаб чиқилди. Булар:

Биринчидан, инсон капиталини шакллантиришга ва такомиллаштиришга қаратилган инвестицияларнинг ҳажмини кўпайтириш билан бирга уларнинг мақсадли ишлатилишини ҳам каттик назорат остига олиш лозим бўлади.

Иккинчидан, инсон капиталининг такомиллашувида таълим самарадорлиги ва сифатини ошириш билан бирга тарбия масаласига ҳам катта аҳамият беришни тақозо қилади. Тарбияли кадрлар маънавиятли ва иймон-этиқодли бўлади. Бундай кадрлар турли коррупцион йўлларга бормайди ва ўз халқининг мулкига тожовузкорлик қилмайди, Ватани, халқи олдидаги масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда ишга ёндошади.

Учинчидан, мамлакатимизда таълим билан қамраб олиш кўрсаткичлари сезиларли равишда ошиб борсада, ёш болаларга тўйиб овқатланиш масаласига эътибор жуда суств. Буни инобатга олиб, болаларни ёшига қараб овқатлантириш рационларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий қилиш лозим. Бунинг учун мамлакатимизда имконият етарли бўлиб қолган.

Тўртинчидан, болалардаги мардлик, ирода ва ҳалоллик каби ижтимоий-ҳиссий кўникмалар ҳам одатда катта иқтисодий самарадорлик келтиради. Бунда соғлиқ ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки, соғлом инсонларнинг меҳнат самарадорлиги юқори, тафаккури тиник ва ишлаш қобилияти ҳам етарли бўлади.

Бешинчидан, дунё тажрибасидан кўриниб турибдики, эрта ёшдан инсон капиталини турли йўллар билан ўлчаб бориш ва уларнинг такомиллашувига турли мативацияларни қўллаш орқали яхши самарадорликка эришиб келинмоқда. Шунингдек, болани гўдақликдан тўғри овқатлантириш, соғлом ривожланишини рағбатлантириш кейинчалик унинг жисмоний ва руҳий фаровонлигини яхшилашига амин бўлинмоқда. Шу туфайли ушбу тажрибани мамлакатимизда ҳам қўллашимиз мақсадга мувофиқ.

Олтинчидан, мамлакатимизда ёш оналарни болани соғлом дунёга келтириш, тўғри ўстириш ва тарбиялаш бўйича оналар мактабини ташкил қилиш ҳам мақсадга мувофиқ. Бундай ёндошув инсон капиталига сармоя киритишдан оила ҳам, жамият ҳам катта манфаат кўради. Ақли етук соғлом болалар турли жиноятлар содир этилиши эҳтимолини кескин камайтиради. Бу жамият таракқиётининг барқарорлигини таъминлашга ҳам асос бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, инсон капиталига инвестиция киритиш унинг ишонч даражасини ҳам оширади. Чунки ўзини англаган ўқимишли инсонлар бошқаларга ҳам, ўзининг келажагига ҳам кўпроқ ишонади, ишонч даражаси баланд бўлган жамият одатда нисбатан юқори иқтисодий ўсишга эришади. Шунингдек, бундай инсонлар анча сабрли ва қаноатли ҳам бўлади. мигрантларга нисбатан бағрикенгроқ бўлишига хизмат қилган. Бундай жамиятда маънавий барқарорлик ҳам ҳукм суради.

<sup>11</sup> Мамаюнус Пардаев, Севара Бабаназарова Инсон капитали тушунчасининг мазмуни ва уни ифодаловчи кўрсаткични аниқлаш йўли. <https://tegra.ph/Inson-kapitali-tushunchasining-mazmuni-va-uni-ifodalovchi-k%D1%9Ersatkichni-ani%D2%9Blash-j%D1%9Eli-09-21>



**Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги, «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида»ги ПФ-158-сонли фармони. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон.
2. <https://data.worldbank.org/indicator/NY.GDP.MKTP.CD?locale=ru&locations>
3. <http://hr.agro.uz/login/index.php>
4. Улуғбек Ташкенбаев, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи. <https://kun.uz/news/2020/10/18/ozbekistonda-shaxs-oz-salohiyatining-necha-foizidan-foydalana-olishi-hisoblab-chiqildi>
5. Мамаюнус Пардаев, Севара Бабаназарова. Инсон капитали тушунчасининг мазмуни ва уни ифодаловчи кўрсаткични аниқлаш йўли. <https://telegra.ph/Inson-kapitali-tushunchasining-mazmuni-va-uni-ifodalovchi-k%D1%9Ersatkichni-ani%D2%9Blash-j%D1%9Eli-09-21>
6. Кочетков И.В. Формирование человеческого капитала в условиях модернизации высшей школы // Современные проблемы науки и образования. – 2012. – № 2.
7. [https://data.uis.unesco.org/Index.aspx?DataSetCode=SCN\\_DS&lang=en#](https://data.uis.unesco.org/Index.aspx?DataSetCode=SCN_DS&lang=en#)
8. <https://www.investopedia.com/terms/h/humancapital.asp#:~:text=Human%20capital%20allows%20an%20economy,hich%20contribute%20to%20economic%20growth.>
9. <https://stat.uz/uz/default/press-revizlar/34336-2023-3>
10. Фуломов Саидахроп Саидахмедович, Пардаев Мамаюнус Қаршибаевич, and Бабаназарова Севара Абдиназаровна. "ИНСОН КАПИТАЛИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТАЪЛИМ СИФАТИ ВА ПЕДАГОГНИНГ МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ" Journal of marketing, business and management, vol. 2, no. 10, 2024, pp. 5-14.
11. [https://imrs.uz/publications/articles-and-abstracts/education\\_prospects](https://imrs.uz/publications/articles-and-abstracts/education_prospects)